

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

10.53885/edinres.2022.63.71.093

Махмудов Мэлс Хасанович

Бухоро давлат университети Педагогика фанлари доктори, профессор,
Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация: Ушбу мақолада жисмоний тарбия фанини ўқитиш сифати ва самарадорлигини тубдан яхшилаш, уни ҳаёт билан узвий боғлаган олиб бориш ўқувчиларни ижтимоий фойдали меҳнатга, Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлаш жуда муҳимлиги таъкидланган. Жисмоний тарбия дарсини ўтишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: узлуксиз таълим, иқтисодий барқарорлик, янги педагогик технология, педагогик тамойил, педагогик восита, интерактив методлар.

Баркамол авлод орзуси-энг буюк орзу. Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканига қатъий ишонч билан яшаётган халқимизнинг орзуси бу. Мустақиллик йилларида эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқариш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Узлуксиз таълимнинг -ўзбек модели сифатида эътироф этилган ва бугун ўз самарасини бераётган- “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ўз вақтида узоқни кўзлаб бошлаган оламшумул

ишларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач қатор соҳалар тубдан ислоҳ қилинди, йўналишларга янгиликлар киритилиб, уларнинг янада ривожланишини таъминлаш мақсадида янги усуллар тадбиқ қилинди. Ислохотларнинг натижасини эса бугунги кунда ҳар қадамда кўришимиз мумкин. Барча соҳаларда бўлгани каби бу ислохотларнинг таълим йўнали-шидагиларини мустақиллик йилларидаги ўзгаришларнинг асосий бўғинини ташкил этади десак муболаға бўлмайди.

Айни пайтда таълим-тарбия тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда, замон талаблари даражасига кўтарилмоқда миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизими барпо этилди, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш ҳозирги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Таълим муассасаларида жисмоний тарбия, спорт соғломлаштириш ишларини ривожлантириш, таълим олаётган талаба-ёшларнинг спорт турларига қизиқишини ошириш, билими, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш давр талабига айланди.

Зеро, таълимнинг ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиниши, уларнинг илм-фанга бўлган қизиқишларининг ошиши, илм урфонидан баҳраманд бўлиб, фанларни мукамал даражада ўрганишлари мамлакат ривожини таъминловчи муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланиши ҳеч кимга сир эмас. Илм-фаннинг мукамал даражада ўзлаштирилиши ўз навбатида техника-

технологияларнинг ривожланишига, техниканинг ривожини эса меҳнат унумдорлигининг ошишига, меҳнат унумдорлигининг ошиши аҳоли моддий таъминотининг яхшиланишига олиб келади, бунинг асосида инсонларнинг ҳаёт тарзи янада яхшиланади. Аҳоли турмуш тарзининг яхшиланиши, иқтисодий барқарорликни кўрсатувчи кўрсаткич бўлса, иқтисоднинг барқарорлиги эса мамлакатнинг ривожланишини таъминловчи асосий

меъзонлардан биридир.

Жисмоний тарбия фанини ўқитиш сифати ва самарадорлигини тубдан яхшилаш, уни ҳаёт билан узвий боғлаган олиб бориш ўқувчиларни ижтимоий фойдали меҳнатга, Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлаш жуда муҳимдир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг олий таълим муассасалари олдида ёш мутахассисларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш усулларини излаш, ўқитишнинг шакл ва методларини рационаллаштириш муаммоси ўз ечимини топмоқда. Бу муаммо одамлар ҳаётида тобора аҳамиятга эга бўлиб бораётган жисмоний маданият ва спорт соҳасида ҳам долзарб ҳисобланади. Республикамизда янги педагогик технологиянинг назарий асосларини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурияти таълим тизимини ислоҳ қилиш, унинг салоҳиятини жаҳон миқёсига олиб чиқиш, таълим бозорини яратиш ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш вазифасидан келиб чиқади.

Бугунги кунда таълим муассасаларида янги педагогик технологияни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жисмоний тарбия дарс жараёни педагогик жараённинг ажралмас бир қисми бўлиб, у ўсиб келаётган ёш авлодни таълим-тарбия жараёнида ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган асосий педагогик воситалардан эканлигини олиб борган кузатишларимиз жараёнида ўз аксини топмоқда. Жисмоний тарбия дарси ҳар томонлама янги

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

педагогик тамойилларни ўз ичига олиб, таълим-тарбия жараёнида қўлланилиши керак бўлган вазифаларга таянади. Жисмоний тарбия дарси ва уни бошқарувчилик тизими ўта мураккаб бўлиб, кўриниши ўзига хос бўлган назарий, амалий, мустақил таълимларни жорий этишни талаб этади.

Бир кўринишда жисмоний тарбия дарс жараёни оддий бўлсада лекин, унда бажариладиган ҳаракат амаллари ўқувчи-талабаларни ҳар томонлама кўникма ва малакаларни ривожлантиришни талаб этади. Шунга асосан жисмоний тарбия дарс жараёнида янги педагогик ахборот технологияларидан фойдаланиш бугунги таълим тарбия жараёнининг долзарб йўналишларидан бири эканлигини ҳаётни ўзи тақозо этмоқда.

Бунинг учун таълим муассасаларида олиб борилаётган дарсларнинг янада қизиқарли олиб борилиши, ўқувчи ва талабаларнинг дарсларда фаол иштирокини таъминлаш учун қуйидагиларни амалда тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ:

- дарсларни инновацион технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда олиб бориш;

- дарсларни ташкил этишда турли хил интерфаол усуллардан фойдаланишни ошириб, дарс динамикасини кўтариш;

- маърузалар фақат ўқитувчининг монотон нуткидан иборат бўлиб қолмай унда талабаларнинг ҳам фаол иштирокини жорий этиш;

- талабаларга бўлиб ўтадиган маъруза мавзуларини олдиндан бериб борилиши зарур.

Бунда талабалар маъруза дарсларига киришдан олдин мавзуни ўқиб келади ва ўқитувчи маърузаси асосида бу мавзу доирасидаги билимлари янада ошади. Мавзу доирасидаги амалий ҳамда семинар дарслар асосида бу билимлар кўникмага айланиб боради;

- семинар дарсларини фақат савол-жавоб тарзида эмас, балки турли хил инновацион методикаларни ишга солган ҳолда талабалар томонидан ташкил қилинган турли хил ўйинлар асосида бойитилиши, дарсда талабалар фаоллигини таъминлаш билан бир қаторда, дарсларнинг қизиқарли бўлишини таъминлайди. Дарсларнинг бундай ташкиллаштирилишида талабалар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган низолардан ўқитувчи томонидан бартараф этилиши ва дарс суратини тушурмаган ҳолда аудиторияни бошқара олиш малакаси талаб этилади.

- дарсларни ўтишда аудиториядаги талабаларни кичик гуруҳларга бўлиш каби усуллардан фойдаланиш дарс зичлигининг янада оширилишига, минимум вақт ичида максимал натижага эришилишини таъминлашда кўмаклашади.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, педагогик технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талаба фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, ҳозир эса замонавий ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи тарбияланувчига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради.

Жисмоний тарбия дарс жараёнига янги педагогик технологияни қўллаш масаласига келсак, технологиянинг ўзи нима? -деган савол туғилади. Ҳақиқатдан ҳам бир кўринишда жисмоний тарбия дарсига янги педагогик технология нима учун қўлланилиши керак, бу шунинг учун керакки дарс жараёнини яхшилаш орқали ўқувчи-талабаларни ҳар томонлама жисмоний ривожлантириш ва жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш учун ҳам янги технологиялардан фойдаланиш керак. Ҳар қайси жисмоний тарбия ўқитувчисининг тажрибаси илғор деб топилса, шуни янги технология сифатида таълим- тарбия жараёнига қўллаш мумкин. Шунинг учун ҳам жисмоний тарбия дарсларини ўтишда янги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Биз бундай долзарб бўлган масалага қўл урар эканмиз, бу соҳада тез суръатлар билан кескин эътибор бериш кераклигини айтиб ўтмоқчимиз, жисмоний маданият ва спорт айни вақтда Ўзбекистонимизни халқаро майдонда ўз ўрнимиз борлигини белгилаб берган вақтда жисмоний тарбия дарсларининг миллий истиқлол ғояси томонидан эътиборли томони шундаки ҳар қанча қийин бўлмасин фидокорлик билан ўз касбига фидойлик, мардлик намуналарини кўрсатиб, ўсиб келаётган ёш авлодни маънан ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялашда ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишимиз бугунги кун талабидир.

Бундай ишларни ҳал этиш учун ҳамма имкониятлар яратиб берилган. Бундай имкониятни соҳа мутахассислари ўзларининг вазифалари ва бурчлари деб қабул қиладилар. Бундан шундай фикр чиқадики, фан-техника ютуқларининг мислсиз даражада тараққий этиши, ҳамда бу тараққиёт натижаларининг оддий инсонлар ҳаётига жуда қисқа муддатларда кенг кириб келаётганлиги билан тавсифланади. Талабаларнинг изланувчанлиги, ижодкорлиги, оз вақт, кам куч сарфлаб

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

юкори натижаларни таъминлашида, шунингдек, талабаларнинг ижодий фаолияти самарадорлигини оширишда янги педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиб фаоллаштириши муҳим омил ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январ ПФ-5924 сонли “Ўзбекистон Республикасида jismoniy tarbiya va sportni yanada takomillashtiriш va ommalashtiriш chora-tadbirlari tўgrisida”ги фармони .

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябр ПФ-6099 сонли “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни yanada rivojlan-tirish chora-tadbirlari tўgrisida” ги фармони.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 ноябр, ПҚ-4877-сонли “Jismoniy tarbiya va sport soҳasida кадрлар тайёрлаш тизимини takomillash-tirish va ilmiy salohiyatni oshiriш chora-tadbirlari tўgrisida”ги қарори.

3. “Ҳозирги тараққиёт босқичида хотин-қизлар спорти : муаммолар ва истиқболлар”, “женский спорт на современном этапе : проблемы и перспективы”. Халқаро онлайн илмий-амалий анжумани материаллари 2020 йил 6 май, Бухоро -2020, Жамилова Г., Баймурадов Р.С. “Мақтабгача таълим муассасаларида jismoniy tarbiya mashg'ulotlarini ўзига хослиги”, 271-274 бет.

4. “Ҳозирги тараққиёт босқичида хотин-қизлар спорти : муаммолар ва истиқболлар”, “женский спорт на современном этапе : проблемы и перспективы”. Халқаро онлайн илмий-амалий анжумани материаллари 2020 йил 6 май, Бухоро -2020, Баймурадов Р.С. “Ёш волейболчиларнинг чидамкорлигини инновацион технологиялар ва ҳаракатли ўйинларни қўллаб ошириш”, 607-610 бет.

2. INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM, part 1, December 2020, COLLECTIONS OF SCIENTIFIC WORKS Washington USA 25th Desember 2020, Баймурадов Раджаб Сайфитдинович, Бахшуллаева Малохат, Жамилова Гульчехра “Роль учителя-наставника в становлении молодого специалиста”, стр 37-45.

3. Safarova Rokhat G. Ways and factors of optimization of the content of general secondary education in today's world // Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. 2012. №2 (eng). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ways-and-factors-of-optimization-of-the-content-of-general-secondary-education-in-today-s-world> (дата обращения: 09.05.2022).

4. Мухитдинова Н.М. Абитова Ж.Р. Механизмы интеллектуального развития дошкольников с помощью физических занятий // Проблемы педагогики.- 2020- № 3 (48) с 79-81

5. Мухитдинова Н.М. Методология физических упражнений и игр в дошкольных образовательных организациях // Проблемы науки-2020-№9 (57) с 81-83

6. Мухитдинова Н.М. Эшов Э. Improvement of psychology and pedagogical process on physical training // Intellectual Archive 2018 с 93-96

7. Djurayeva Maxasti Zokirqizi “The emotion training system for atudents of preschool education for sports gymnastics sports competitions” 88-101 betlar. International Journal of Advanced Research in Monagement and Social Sciences. Vol.1 №2 February 2022

8. Джураева Махаста Зокировна “Характеристика эмоционально –волевой готовности личности к спортивной деятельности” 169-171 betlar. Россия-Таджикистан –Узбекистан. молодежь и развитие духовной культуры общества: актуальные проблемы и перспективы их решения. 22апреля 2022г.

9. Маъмуров Б. Б. Бўлажак ўқитувчиларни шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга тайёрлашда қўлланиладиган тамойиллар. Современное образование (Узбекистан), 2017. <https://cyberleninka.ru/article/n/b-lazhak-ituvchilarni-shahsga-y-naltirilgan-talim-tarbiya-zharayonini-loyi-alashga-tayyorlashda-llaniladigan-tamoyillar>

10. Mamurov B. B. The Need to Prepare Future Teachers to Design a Student-Centered Educational Process. Eastern European Scientific Journal, 2017. <http://journale.auris-verlag.de/index.php/EESJ/article/viewFile/600/596>

11. Мамуров Б.Б., Махмудов М.Х. Акмеологическая составляющая образовательной культуры учителя. философские и методологические. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=36679921>

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

12. В Mamurov, A Mamanazarov, K Abdullaev, I Davronov. Acmeological Approach to the Formation of Healthy Lifestyle Among University Students. III International Scientific Congress Society of Ambient ..., 2020. <https://www.atlantis-pess.com/proceedings/isc-sai-20/125937241>

13. ББ Мамуров. Акмеологический подход к воспитанию молодого поколения в наследии предков. Педагогическое образование и наука, 2016. http://www.manpo.ru/manpo/publications/ped_obraz/n2016_03.pdf#page=147

14. Маъмуров Б.Б. Маманазаров А.Б. Условия развитие у будущих учителей навыков проектирования учебного процесса на основе акмеологического подхода. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=37269472>

15. Тураев М. М., Баймурадов Р. С., Файзиев Я. З. Интерактивные методы физического воспитания в вузах //Педагогическое образование и наука. – 2020. – №. 3. – С. 132-135.

16. Файзиев Я. З., Зиёев Д. Я. У. краткий исторический обзор развития физического воспитания и спорта //Academy. – 2020. – №. 9 (60).

17. Файзиев Я. З., Кузиева Ф. Эффективности использования национальных средств физического воспитания в учебном процессе //Вестник магистратуры. – 2020. – №. 3-1. – С. 95.